

“Ёш гвардиячи” ҳарбий-спорт мусобақасини ташкил этиш ва уни ўтказиш тўғрисида

НИЗОМ

1-§. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом ҳарбий-ватанпарварлик спартакиадаси доирасида Ўзбекистон Республикаси умумтаълим муассасалари ўқувчилари ўртасида “Ёш гвардиячи” ҳарбий-спорт мусобақасини (кейинги ўринларда мусобақа – деб юритилади) ташкил этиш ва ўтказиш тартиби ҳамда мусобақа ўтказилишида ҳамкорлик қилаётган Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси, Мактабгача ва мактаб таълим вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий кенгашларининг (кейинги ўринларда – тегишли вазирлик ва идоралар деб юритилади) вазифаларини белгилайди.

2. Мусобақа ҳарбий-ватанпарварлик спартакиадаси доирасида ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ўз юрти ва халқи тақдири учун юксак масъулият ва жавобгарлик каби муҳим хислатларни шакллантириш мақсадида ўтказилади.

3. Мусобақани ўтказиш бўйича Республика ташкилий кўмита мазкур Низомга ўзgartiriш ва қўшимчалар киритиш ваколатига эга.

2-§. Мусобақанинг вазифалари

4. Мусобақанинг вазифалари қўйидагилардан иборат:

ўқувчи ёшларни Ватанга муҳаббат, ҳарбий бурчга садоқат руҳида тарбиялаш, улар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, Миллий гвардия бўлинмаларида хизмат қилишга қизиқтириш ва босқичма-босқич тайёрлаб бориш;

ўқувчи ёшларда мардлик, жасурлик, шижаот, жасорат, қатъият, куч-ғайрат, интизом, жамоатчиликка таяниш ва бошқа туйғуларни шакллантириш;

вatan тақдири, юрт тинчлиги ва ҳимояси йўлида бор салоҳияти билан масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир, ташаббускор, шижаотли ёшларни бирлаштириш, уларнинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқариш;

ёшларда юртга садоқат туйғуларини камолга етказиш, уларни ўз халқига, Ватанига ва Президентига садоқат руҳида, Миллий гвардиянинг шонли ва жанговар анъаналарининг давомчилари этиб тарбиялаш.

3-§. Жамоаларни шакллантириш

5. Мусобақада иштирок этиш учун республикадаги умумтаълим мактаблар ўқувчилари орасидан саккиз нафар (9-11 синф ўқувчилари) жисмонан соғлом, интеллектуал ва интизом борасида энг фаол ўқувчилар орасидан жамоа шакллантирилади. Шулардан бир нафари жамоа сардори этиб

белгиланади. Шунингдек, жамоани бошқариш ва уларга йўриқнома бериб туриш учун бир нафар мураббий ва бир нафар ёшлар етакчиси тайинланиши мумкин.

6. Мусобақада Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълим вазирлигига қарашли умумтаълим мактабларининг жами 8 нафар (*5 нафар ўғил ва 3 нафар қиз*) ўқувчилардан ташкил топган жамоалар иштирок этади.

7. Мусобақада иштирокчи жамоа аъзолари ташкилий қўмита таркиби га куйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

жамоа аъзоларининг мактаб директори томонидан тасдиқланган рўйхати.

иштирокчиларнинг туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномаси ёки бошқа шахсини тасдиқловчи ҳужжатларидан нусхалар;

мактаб директори томонидан мусобақада иштирокчилар тўғрисидаги маълумотнома (иштирокчиларнинг муҳрланган фотосурати билан);

мусобақанинг барча босқичларида иштирокчилар рўйхати ўзгармаслиги шарт;

мусобақада иштирок этиш учун талабномалар (ҳар бир иштирокчининг соғломлигини тасдиқловчи соғлиқни сақлаш муассасасининг муҳри билан тасдиқланган тегишли ҳужжати);

8. Мазкур Низомнинг 7-бандида кўрсатилган ҳужжатларни тақдим этмаган ёки ҳужжатларида камчилиги мавжуд жамоалар мусобақада иштирок этмайди.

9. Жамоаларнинг мусобақада қатнашиш тўғрисидаги талабномаларини ташкилий қўмиталар белгилаган муддатда қабул қиласди. Белгиланган муддатдан кечиккан жамоаларнинг талабномалари қабул қилинмайди.

10. Жамоалар ўз маҳсус кийим-боши, атрибутига (вимпелига) эга бўлиши шарт. Жамоаларни маҳсус кийим-бош билан таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ва Мактабгача ва мактаб таълим вазирлиги ҳудудий бошқармалари зиммасига юкланди. Мусобақада чет эл давлатларининг ҳарбий бўлинмалари ёки ҳукуқни муҳофаза қилувчи органларининг кийим-бошларидан фойдаланилмайди.

4-§. Мусобақани ўтказиш босқичлари

11. Мусобақа ўтказилишини таъминлаш тегишли вазирлик ва идоралар томонидан ҳамкорликда амалга оширилади.

12. Мусобақани ташкил этиш ва ўтказиш Республика ташкилий қўмитаси томонидан белгиланади ва ҳар йили тўрт босқичда ўтказилади:

биринчи босқич (мактаб босқичи) март ойининг биринчи декасида;

иккинчи босқич (туман босқичи) март ойининг учинчи декасида;

учинчи босқич (вилоят босқичи) апрель ойининг иккинчи декасида;

тўртинчи босқич (республика босқичи) май ойининг биринчи декасида ўтказилади.

биринчи босқич (мактаб босқичи) март ойининг биринчи декасида ўтказилади, бунда умумтаълим мактабининг 9-11 синф ўқувчилари иштирок этади.

иккинчи босқич (туман босқичи) март ойининг учинчи декасида ўтказилади, унда мусобақанинг биринчи босқичида ғолибликни қўлга киритган ҳар бир умумтаълим мактабидан бир дона жамоа иштирок этади.

учинчи босқич (вилоят босқичи) апрель ойининг иккинчи декасида ўтказилади, унда мусобақанинг иккинчи босқичида ғолибликни қўлга киритган жамоалар иштирок этади.

учинчи босқич якуни бўйича ҳудудий комиссия таркибининг баённомаси ва ғолибликни қўлга киритган жамоаларнинг мазкур Низомнинг 7-бандида кўрсатилган ҳужжатларини май ойининг 5 санасига қадар Миллий гвардия марказий девонига тақдим этади;

тўртинчи босқич (республика босқичи) май ойининг биринчи декасида ўтказилади, унда мусобақанинг учинчи босқичида ғолибликни қўлга киритган жамоалар иштирок этади.

5-§. Ташклий қўмиталарнинг вазифалари

13. Ҳудудий ва Республика ташкилий қўмиталари мусобақаларнинг тегишли босқичларини ташкиллаштириш, ўтказиш ва умумий раҳбарликни амалга ошириш бўйича масъул ҳисобланади. Мазкур қўмиталар мусобақа ўтказиш жойларини белгилайди ва барча ўқув моддий-техник воситалар билан таъминлаш чораларини кўради ва назоратни амалга оширади.

6-§. Мусобақада иштирок этиш тартиби

14. Мусобақа ўтказилишидан олдин жамоа аъзолари ва уларга ҳамроҳлик қилувчи шахсларнинг рўйхати мактаб раҳбари томонидан тасдиқланади.

15. Мусобақада иштирок этиш учун мактаб директори томонидан тасдиқланган саккиз нафар иштирокчилар мусобақанинг барча босқичларида иштирок этади. Уларнинг сабабсиз алмаштирилишига йўл қўйилмайди.

16. Мусобақада иштирок этиш учун жамоа раҳбари томонидан ташкилий қўмита раҳбарига мазкур Низомнинг 7-бандида кўрсатилган ҳужжатларни тақдим этади.

17. Жамоаларнинг мусобақада фойдаланиладиган анжомларини синовдан ўтказиш бўйича далолатнома тузилади ва мазкур мусобақа шартларининг бажарилиши ва баҳоланишига масъул бўлган ҳакамлар ҳайъати томонидан имзоланади. Текширув жараёнида, мусобақа шартларини бажаришга яроқсиз деб топилган анжомлардан фойдаланишига йўл қўйилмайди.

7-§. Ҳакамлар ва уларнинг вазифалари

18. Ташкилий қўмита томонидан мусобақани ошкоралик, шаффофлик ва ҳаққонийлик принципларига риоя этган ҳолда ўтказилишини таъминлаш мақсадида тажрибали ҳакамларнинг иштирокини таъминлайди.

19. Ҳакамлар таркиби ташкилий қўмиталар томонидан мусобақа шартларига мувофиқ беш нафар таркибдан иборат тажрибали мутахассислардан шакллантирилади.

Мусобақанинг республика босқичининг барча шартлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълим вазирлиги, Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Ёшлар ишлари агентлиги ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ва Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси томонидан тажрибали мутахассисларнинг (ҳакамларнинг) иштироки таъминланади.

20. Мусобақа шартларини баҳолашда ҳакамлар фаолиятига аралашган жамоа аъзолари ва мураббийлар жарима баллари билан жазоланади.

21. Ҳакамлар томонидан мусобақа жараёнида йўл қўйилган камчилик ва хатолар ташкилий қўмита томонидан ўрганиб чиқилиб, бу бўйича тегишли чора-тадбирларни белгилайди.

8-§. Тартиб - интизом чоралари

22. Танланган жамоалар мусобақага ўз вақтида етиб келишлари шарт. Ўз вақтида етиб келмаган жамоаларга ҳакамлар томонидан жарима баллари берилади, ҳатто мусобақадан четлаштириш чоралари қўрилиши мумкин.

23. Мусобақа қайдномасига киритилганлардан ташқари мусобақада бошқа мактаб ва синф ўқувчилари иштирок этётганлиги аниқланса, мазкур жамоа мағлуб деб топилади ва натижаси қандай бўлишидан қатъий назар ўрин берилмайди.

24. Мусобақа иштирокчилари томонидан белгиланган тартиб-қоидалар, яъни кун тартиби ҳамда мусобақа тартибларини бузганида мазкур жамоаларга нисбатан жарима баллари қўлланилади. Иштирокчилар томонидан мусобақа ўтказиш худудидаги мулк ёки фойдаланишга берилган жиҳозларга моддий зиён етказилган ҳолларда моддий зиённи қоплаш тегишли тартибда амалга оширилади.

25. Жамоа аъзолари томонидан мазкур Низом талаблари бузилган ҳолларда ушбу жамоа тўғрисида Республика ташкилий қўмитасига ахборот берилади ва жамоани мусобақадан четлатиш масаласи кўриб чиқилади.

9-§. Мусобақа шартлари ва баҳолаш мезонлари

26. Мусобақа шартлари қўйидагилардан иборат:

- билимдонлар беллашуви;
- саф тайёргарлиги;
- кўргазмали қўл жангиги чиқиши;
- захарланган худуддан ўтиш;

ўқ-дориларни белгиланган жойга етказиши ва ўқдонга жойлаш;
камондан отиш;
сувли тўсиқ устидан ўтиш;
калашников автоматини нотўлиқ қисмларга ажратиши ва йифиши;
биринчи тиббий ёрдам кўрсатиши;
турникда тортилиши.

27. Мусобақанинг биринчи шарти - билимдонлар беллашуви.

Ушбу шартда жамоанинг беш нафар аъзоси иштирок этади. Жамоа сардори ташкилий қўмита томонидан жамоалар иштирокчилари учун тайёрланган маҳсус конвертлар ичидан биттасини танлайди. Конвертларда учта саволдан иборат билет бўлади. Жамоанинг исталган иштирокчиси саволларга жавоб бериши мумкин. Бу шартда қўшимча жавоблар берилишига йўл қўйилмайди ҳамда ҳар бир жамоадан фақат беш нафар иштирокчи қатнашади. Тайёргарлик кўриш учун 2 дақиқа ва жавоб бериш учун 3 дақиқа вақт ажратилади. Мазкур шарт 10 балли тизимда баҳоланади.

Саволлар Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, унинг жойлардаги бошқармалари (бўлинмалари) ҳамда Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги хузуридаги Ёшлар ишлари агентлиги, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий ва худудий Кенгашлари ҳамкорлигига (“Темур тузуклари” – “Ўзбекистон” нашириёти, 2018 йил; “Бобурнома” – “Фан” нашириёти, 2018 йил; “Жалолиддин Мангуберди” – “Янгиаср” нашириёти, 2018 йил) мазмун-моҳияти, ғояси ва аҳамиятини ўзида мужассам этган саволлардан тузилади. Шарҳлаш жараёнида иштирокчининг билимини текшириш мақсадида ҳакамлар ҳайъати томонидан қўшимча саволлар берилиши мумкин.

Мусобақа ўтказиладиган кундан бир кун аввал билет маҳсус конвертга солиниб, ташкилий қўмитада муҳрланган ҳолда сақланади. Саволларни тайёрлашга масъул бўлган шахслар ва ташкилий қўмита аъзолари мусобақадан олдин саволларнинг ошкор бўлмаслиги учун жавобгардир.

28. Мусобақанинг иккинчи шарти - Саф тайёргарлиги.

1) Жамоаларнинг маҳсус кийим бош кўриги ҳисобланади.

Ушбу шартда жамоанинг барча аъзолари иштирок этади. Жамоанинг формаси

(шу жумладан, бош кийими) ушбу мусобақа учун маҳсус тикирилган ва барча гурух аъзолари бир хил либосда бўлишлари шарт.

Устки кийимдаги шахсини тасдиқловчи 10 x 6 см. ҳажмли намлиқдан ҳимояланган бейджелик кўкракнинг чап томонига тақилади. Бейджеликда мусобақа қатнашчисининг исм-шарифи тўлиқ ёзилган 4 x 6 см ҳажмли фотосурати ёпиштирилган ва таълим муассасасининг муҳри билан муҳрланган бўлиши лозим.

Баҳолар қўйидаги ҳолларда бир баллга камайтирилиши мумкин:

жамоа аъзолари бир хил кийим-бошда бўлмаса;

жамоа белгилари мазкур низомда белгиланган ҳажмда бўлмаса;

жамоа аъзолари санитария-гигиена қоидаларига риоя қилмаган бўлса.

2) Жамоаларнинг сафда туриш ва юриш усулларидан фойдаланган ҳолда, саф қўшиқларини куйлаб ҳаракат қилишлари керак.

Ушбу шартда жамоанинг барча аъзолари иштирок этади. Жамоа аъзоларининг сафда туриши ва ҳаракат қилишлари белгиланган қоидаларга мувофиқ эканлигига алоҳида эътибор қаратилади.

Шунингдек, жамоа аъзоларининг сафда қўшиқ айтиб ҳаракат қилишлари баҳоланади. Мазкур ҳаракатлар ҳакамлар ҳайъати томонидан келишилган ҳолда 10 балли тизимда баҳоланади.

Асосий эътибор, сафда туриш ва юриш усулларидан тўғри фойдаланиб, жамоа бўлиб ҳаракатланишлари ҳамда сафда қўшиқ айтиб юришига қаратилади. Бунда сафдаги қўшиқ мазмунига кўра, ҳарбий-ватанпарварлик руҳи, тарбиявий жиҳати, жозибаси ва сафда ижро этиш учун мўлжалланган бўлиши керак.

Кўйилган баллар қўйидаги ҳолларда бир баллга камайтирилиши мумкин:

жамоанинг ташқи кўриниши ҳамда кийим-бошларида тўғрилаб бўлмайдиган камчиликлар мавжуд бўлса;

сафда туриш ва юриш усулларини нотўғри бажарган ҳолларда;

жамоавий сафда ҳаракатланишда танбеҳлар бўлганида;

сафда қўшиқ айтиб юришда қўшиқ айтиб юришга кўйилган талаблар бузилганда.

Мазкур шарт Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларининг Саф Низоми билан белгилаб қўйилган талаблар асосида ўтказилади.

29. Мусобақанинг **учинчи шарти** – жамоанинг кўргазмали қўл жанги чиқиши.

1) Жамоа таркибида қўл жанги усулларини бажариш, шарт икки йўналишда қурол ҳамда қуролсиз ҳолда намойиш этилади. Жанговар чиқиши вақтида иштирокчиларнинг ҳаёти ҳамда соғлиги учун хавфли бўлган чиқишларни намойиш этиш таъкиқланади.

Шартни баҳолашда жамоа усулларни бир хил уйғунликда, жанговар руҳ билан бажаришлари, усулларни мушкуллиги, хавфсизлик қоидаларига риоя этган ҳолда хатосиз бажарганликлари ҳамда вақт регламентига риоя этилганига қараб ҳакамлар ҳайъати томонидан 10 балли тизимда баҳоланади. Шартни бажариш учун ҳар бир жамоага 5 дақиқа вақт ажратилади.

Кўргазмали чиқишлар жараённида ўқув қурол-яроғлардан (резина ва ёғочдан тайёрланган қурол-яроғлардан) фойдаланилиши шарт.

30. Мусобақанинг **тўртинчи шарти** – Захарланган худуддан ўтиш.

Ўтказиш майдони – узунлиги 40 метр, кенглиги 30 метр (шартли равища).

Мазкур шартда ҳар бир жамоадан 1 нафардан иштирокчи қатнашади, иштирокчи қисқа вақт ичиде газниқоб, умумқўшин ҳимоя тўпламини белгиланган тартибда тўғри кийиб, заҳарланган худуддан ўтиш ва ўтгандан сўнг газниқоб ва умумқўшин ҳимоя тўпламини тўғри белгиланган тартибда ечиш лозим. Иштирокчи заҳарланган худуддан ўтгандан сўнг, топшириқ бажарилган деб ҳисобланади.

Топшириқни ҳаммадан тез бажарган иштирокчи ғолиб деб топилади. Шарт ҳакамлар ҳайъати томонидан 10 балли тизимда баҳоланади.

Шартни бажаришдаги хатоликнинг ҳар бири учун шартни 2 сониядан жарима қўлланилади.

Ҳакамлар ҳайъати томонидан шартни бажариш учун лозим бўлган газниқоб ва умумқўшин ҳимоя тўпламини бир хил русумда бўлишига алоҳида зътибор берилади. Шартни бажариш учун бўлинмаларда мавжуд бўлган жанговар оммавий қирғин қуролларидан ҳимоя қилиш ҳимоя воситаларидан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

31. Мусобақанинг **бешинчи шарти** - ўқ-дориларни белгиланган жойга етказиш ва ўқдонга жойлаш.

Шартни бажаришда жамоанинг 2 нафар иштирокчилари қатнашади. Шарт 40 метр масофага вазни 10 кг бўлган ўқ-дорилар қутиларининг макетини олиб бориш ва столда жойлашган 2 та ўқдонга 10 донадан ўқ-дорини жойлаштиришдан иборат бўлади.

Шартни бажариш қоидалари ҳакамлар томонидан белгиланади ҳамда ғолиблар шартнинг бажаришга кетган вақтидан келиб чиқиб, 10 балли тизимда баҳоланади. Шартни бажаришдаги хатоликнинг ҳар бири учун шартни 2 сониядан жарима қўлланилади.

32. Мусобақанинг **олтинчи шарти** – камондан отиш.

Мазкур шартда ҳар бир жамоадан 1 нафар иштирокчи қатнашади. Ушбу шартда 10 метр масофага ўрнатилган камондан отиш спорти маҳсус нишони ўрнатилади ва ҳар бир жамоа иштирокчиси 5 маротабадан камондан отишни амалга оширади. Ҳакамнинг буйруғига (ишорасига) асосан, шартни бажаришга киришади.

Ғолибларни аниқлаш камондан отиш шартида аниқлик билан энг кўп балл қўлга киритганлигига қараб белгиланади. Шартни бажариш тартиби ва элементларига риоя қилиш бўйича талабларни ҳайъат таркиби белгилайди ва 10 балли тизимда баҳолайди. Мазкур шарт ҳарбий кийим русумида бажарилади.

Мазкур шарт бўйича баҳолашда иштирокчиларнинг шартни тўғри бажариши инобатга олинади. Шартни бажаришдаги хатоликнинг ҳар бири учун жарима қўлланилади.

33. Мусобақанинг **еттинчи шарти** - сувли тўсиқ устидан ўтиш.

Шарт осма арқон орқали 20 метрли шартли сувли тўсиқдан ўтиб маҳсус юкни (аскар юк халтасидаги 5 кг юк билан) олиб қайтиши.

Ушбу шартда ҳар бир жамоадан 1 нафардан иштирокчи қатнашади. Иштирокчилар кетма-кетликда камидан 15 метр узунликдаги шартли сувли тўсиқ устига тортилган арқон орқали қирғоққа етиб боргандан сўнг шарт бажарилган ҳисобланади.

Шартнинг бажариш қоидалари ҳакамлар томонидан белгиланади ҳамда ғолиблар шартнинг бажаришга кетган вақтдан келиб чиқиб 10 балли тизимда баҳоланади. Шартни бажаришдаги хатоликлар ҳакамлар қарорига кўра 2 сония жарима сифатида қўлланилади.

Шартни бажариш вақтида иштирокчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш бўйича ташкилий қўмита томонидан барча чоралар кўрилиши лозим.

Спорт ва жанговар тайёргарлик шартлари бўйича ўтказиладиган барча ҳаракатлардан олдин мусобақага жалб этиладиган мутахассислар томонидан намуна сифатида қўрсатиб берилади ва баҳолашда ушбу талабларга риоя этилиши инобатга олинади.

34. Мусобақанинг **саккизинчи шарти** - калашников автоматини нотўлик қисмларга ажратиш ва йифиши.

Ушбу шарт 40 метр масофадан иборат бўлган югуриш йўлагида жамоанинг 2 нафар аъзоси иштирокида эстафета усулида бажарилади. Шартни бажаришда биринчи иштирокчи белгиланган масофага югуриб бориб, автоматни қисмларга ажратиб қайтиб дастлабки мэррадаги жамоадошига қўл урганидан сўнг иккинчи иштирокчи югуриб бориб, қисмларга ажратилган қуролни йифиб дастлабки мэррага етиб келади. Шарт ҳакамлар ҳайъатининг барча аъзолари томонидан келишилган ҳолда 10 балли тизимда баҳоланади.

Мазкур шарт бўйича баҳолашда иштирокчиларнинг шартни тўғри бажариши ва сарфлаган вақти инобатга олинади. Шартни бажаришдаги хатоликнинг ҳар бири учун шартни 2 сония жарима қўлланилади.

35. Мусобақанинг **тўққизинчи шарти** - биринчи тиббий ёрдам қўрсатиш.

Ўтказиш майдони - узунлиги 40 метр. Мазкур шарт жабрланган шахсга биринчи тиббий ёрдам қўрсатиш ва тиббий пунктга (шартли) олиб боришдан иборат.

Жамоа аъзоларидан 3 нафари жабрланган шахсга (шартли равища ҳаракати чекланган 1 нафар жабрланувчига) биринчи тиббий ёрдам қўрсатиш яъни шикастланган жойини боғлаш ва ярадорни икки киши ёрдамида белгиланган мэррага олиб боришдан иборат бўлади. Шартни бажариш қоидалари ҳакамлар томонидан белгиланади ҳамда ғолиблар шартнинг бажаришга кетган вақтидан келиб чиқиб 10 балли тизимда баҳоланади. Шартни бажаришдаги хатоликнинг ҳар бири учун шартни 2 сония кечикиб бажарилган тарзида жарима қўлланилади.

36. Мусобақанинг **ўнинчи шарти** - турникда тортилиши.

Ушбу шартда ҳар бир жамоанинг 2 нафар иштирокчиси қатнашади. Шарт иштирокчиларининг турникдаги жами тортилиши ёзиб борилади ва уларни қўшган ҳолда умумий хисоб чиқарилади. Жамоанинг турникдаги жами тортилган умумий сонидан келиб чиқиб ҳакамлар томонидан 10 балли тизимда баҳоланади. Шартни бажариш тартиби ва қоидаларига риоя қилиниши ҳайъат таркиби томонидан назорат қилинади.

10-§. Ғолибларни тақдирлаш

37. “Ёш гвардиячи” ҳарбий-спорт мусобақасининг ғолиб ва совриндорлари Республика ташкилий қўмитасининг I, II ва III даражали дипломи ва медаллар, кубок, эсадалик совғалари ва бошқа қимматбаҳо совғалари билан мукофотланади.

Шунингдек, “Энг ҳамжихат жамоа”, “Энг чаққон жамоа”, “Энг билимдон жамоа” каби номинациялари бўйича жамоалар рағбатлантиришлари мумкин.

38. Мусобақани юқори савияда ташкил этиш ва ўтказишга ўз ҳиссасини қўшган ташкилот ва муассасаларнинг вакиллари ҳамда ғолиб жамоаларнинг мураббий-ўқитувчилари ташаккурнома ва қимматбаҳо совгалар билан тақдирланади.

39. Мусобақада ғолибликни қўлга киритган жамоа аъзоларини, ҳамда уларни тайёрлаган мураббийларни рағбатлантириш Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Ёшлар ишлари агентлиги, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳудудий ва Марказий кенгашлари, қонун хужжатларида тақиқланмаган бошқа ҳомийларнинг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

11-§. Якуний қоидалар

40. Мазкур Низом қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгashi зиммасига юклатилади.